

Шайх Ҳаддоднинг келажакка умиди



10:00 / 20.04.2021 2664

Жазоирдаги Франция ихтилолига қарши қўзғолон раҳбари, олим шайх Ҳаддод, маҳкамага тортилган пайтда, курсига ўтиришни рад этди. Балки ерга ўтирди. Бунда тушунганлар учун жуда катта маъно бор эди!

Француз судья шайхдан сўради: «Сон ва аслаҳангиз етарли бўлмагани ва ғалаба имконияти жуда кам бўлгани ҳолда, нима учун қўзғолонга қарор бердингиз?».

Жавоб шундай бўлди: «Французлар юртимизга бостириб кириб, унда муқим ўрнашдилар. Одамлар уларнинг борлигига кўника бошлашди. Француз ихтилоли жазоирликларга табиий ҳолатга айланишидан, бинобарин унга рози ва таслим бўлиб қолишларидан хавотирга тушдим. Келажак авлодлар учун ҳуррият дарахтини экдик ва уни қонимиз билан суғордик».

Маҳкама шайхни 80 йиллик қамоққа ҳукм қилди. У киши кулиб: «Сиз 80 йилга ҳукм қилдингиз, Аллоҳ эса 8 кун хоҳлади», дедилар.

Дарҳақиқат ҳукмдан 8 кун ўтиб шайх Ҳаддод вафот этдилар, Аллоҳ раҳматига олсин!

Бу воқеда бизларга ҳам муҳим ибрат бор. Ҳақиқий мустамлакачилик чекиниб, маънавий-маданий мустамлакачиликнинг барча кўринишлари хуруж қилаётган ва ғарбнинг, хусусан русларнинг ташвиқот-тарғибот

машинаси бор кучи билан ҳаракатланаётган ва айрим миллатдошларимиз ғарбона ва русиёна гапириб, ҳам фикрлаб турган бир пайтда, ҳаммамиз шайх Ҳаддоддек хавотирда, ҳушёрликда яшамоғимиз ва бундай хуружларга қарши туришда улардек динпарвар ва ватанпарвар зотларга эргашмоғимиз даркор. Акс ҳолда Аллоҳ, тарих ва келажак бизни кечирмайди.